O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 1 май, сешанба
№ 18 (222)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Давр нафаси

Абдусамад ПОЛВОН-ЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

## МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ

### У бугун ҳар бир тадбиркорнинг эркин фаолиятини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим

2000 йилнинг 11 февралида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўйилаётгани, ноўрин текширувларнинг авж олаётгани, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларига нисбатан зўравонлик каби қонунчиликнинг қўпол равишда бузилиш ҳоллари учраётгани тўғрисида гапириб, юзага келган бундай нохуш ҳолатлар мамлакатда бозор ислоҳотларини амалга оширишга, мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожланишига жиддий тўғаноқ бўлиб қолмай, одамларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хавфли, деган нотўғри таассурот уйғонишига сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлайдиган тизим яратиш бўйича масъулиятли ваколатлар юклаган эдилар.

Ўтган қисқа давр мобайнида Адлия вазирлиги юзага келган нохуш ҳолатларни қонуний нуқтаи назардан бартараф этиш, вазиятни яхшилаш, тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқди ва уларнинг амалий ижроси таъминланди. Шунинг натижасида бугун жамиятимизда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими яратилди.

Энг аввало, вазирлик томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳар бир давлат хизматчисининг муқаррар жавобгарликка тортилишига қаратилган зарур таъсир чоралари тўла йўлга қўйилди. Шунинг натижасида кўпгина қонун бузилиши ҳолатларига барҳам берилди. Бундай нопок ишга қўл уриб, ўз хизмат мансабини суиистеъмол қилган шахслар жазога тортилди.

Масалан, 2000 йил 28 июлда Сирдарё вилояти солиқ бошқармаси ходими К.Убайдуллаев якка тартибдаги тадбиркор Т.Линнинг (Гулистон шаҳри) хусусий дўконига хизмат кийимида кириб, ўзини таништириб, Т.Ли билан прокуратура қизиқаётганлигини важ қилиб, "таҳлил учун" — деб умумий қиймати 10 минг сўм бўлган автомобил эҳтиёт қисмларини олиб кетади. Сўнг бу эҳтиёт қисмларни ўз шахсий автомобилига ишлатиб юборади. Тадбиркор Т.Ли адлия бошқармасига мурожаат қилади. Вилоят адлия бошқармасининг таклифи бўйича Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан К.Убайдуллаевга нисбатан Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми (ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан жиноий иш қўзғатилди. 2000 йил 27 декабрда Гулистон шаҳар суди томонидан у жиноят содир этишда айбдор деб топилган ва унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундирилган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланган.

Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ҳар бир ноқонуний аралашиш ҳолати бўйича Адлия вазирлигига тезкор махсус хабар юборилади ва у бўйича кескин чоралар кўрилади.

Бундай ҳолатларда тадбиркорга суд тартибида нафақат етказилган моддий зарар ва бой берилган фойда, балки маънавий зиён ҳам ундириб бериш каби қонунда белгиланган самарали таъсир чоралари қўлланилмоқда. Масалан, кейинги қисқа даврда адлия органлари томонидан судларга 1170 та даъво аризалари киритилган ва тадбиркорлар фойдасига 322 миллион сўм ундирилган (460 та даъво аризаси қаноатлантирилган). Шу жумладан, адлия органлари ташаббуси бўйича назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг бевосита 227 нафар мансабдор шахсларидан тадбиркорлар фойдасига 55 миллион сўм ундирилди.

Юнусобод тумани солиқ инспекцияси суриштирувчиси ва шу туман ИИБ терговчиси томонидан якка тартибдаги тадбиркор Д.Феденкога нисбатан асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилган. Натижада тадбиркор жиноий жавобгарликка тортилган. Кейинчалик жиноят аломатлари йўқлиги сабабли тадбиркор реабилитация қилинган. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси даъвоси бўйича суд томонидан терговчи ва суриштирувчидан тадбиркор фойдасига солидар тартибда 69 минг сўм моддий зарар ва 100 минг сўм маънавий зиён ундирилди.

Шу билан бирга бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида бундай ишлар бўйича суд жараёнлари республика ва маҳаллий телевидение орқали мунтазам намойиш этилмоқда.

Бу чора-тадбирлар ҳар бир давлат хизматчисининг касбига садоқатли, эл-юрт манфаати йўлида ёниб яшашга, турли хил иллатларга қарши қатъий курашишга ундаши билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорларнинг Адлия вазирлигига келиб тушган ҳар бир шикояти эътибордан четда қолмайди, балки бундай шикоятлар алоҳида назоратга олинади, сўнг жойларга чиқиб ўрганилади. Кейинги бир йил ичида тадбиркорлардан вазирлик номига келиб тушган 2616 та шикоятнинг 1040 тасидан кўпроғи асосли деб топилгани ва улар бўйича тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Шу ўринда Ишонч телефонлари орқали қабул қилинган 796 хабардан 198 таси асосли деб топилганини айтиб ўтиш жоиздир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича муқобил текширувларни ўтказиш натижаси шуни кўрсатадики, йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлар тадбиркорлар ўртасида баъзи бир норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Ҳар бир иш бўйича турли хил мутлақо асоссиз баҳоналар рўкач қилиниб, ўнлаб хўжалик юритувчи субъектлар ноқонуний равишда текширувларга тортилиши, бухгалтерлик ҳужжатлари узоқ муддатларга олиб қўйилиши тадбиркорлар фаолиятига жиддий тўсиқ бўлиб келаётган эди.

Шу муносабат билан Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Республика Прокуратураси томонидан муқобил текширувларни тартибга солиш тўғрисида жойларга кўрсатма юборилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари муқобил текширувлар тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган қаттиқ жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди. Ушбу кўрсатма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча бўлинмаларида муҳокама қилинди. Шунинг натижасида бугунги кунга келиб, муқобил текширувлар сони кескин камайди.

Давлат солиқ қўмитасидан олинган расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида жами 6 та ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолати қайд қилинган. Умуман олганда, статистик маълумотларнинг кўрсатишича, ноқонуний текширишлар сони бир неча юз бараварга камайган.

Шу билан бирга бу рақамларга кўр-кўрона ишониб қолмаслик керак. Чунки ҳуқуқбузилишларнинг ботиний қисми юқори даражада бўлиши ҳам мумкин. Гап назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан нопок йўл билан яширин тарзда ўтказилаётган текширишлар ҳақида бормоқда.

Чунки тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим органларнинг мансабдор шахслари Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришни ҳам четлаб ўтиб, уларни ўз хизмат хоналарига чақириш йўлига ўтган. Бундай қўпол ҳуқуқ бузилишларга, тадбиркорларга нисбатан беписанд муносабатга батамом барҳам бериш мақсадида Адлия вазирлиги, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма кўрсатмаси тайёрланмоқда.

Биз доимий равишда хусусий мулкчилик соҳасига ноқонуний бостириб кириш учун фойдаланилаётган ҳар бир қинғир йўлларга янада мустаҳкам ва ишончли тўсиқ қўйиш тўғрисида бош қотиришимиз зарур. Кези келганда яна шуни айтиш керакки, баъзи раҳбарлар ҳозиргача Текширишларни рўйхатга олиш китобининг аҳамиятини етарли даражада баҳолай олмаслиги кишини ажаблантиради. Бу борадаги амалий ишлар бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги, балки мантиқий якунини топиши умумий ишимизнинг кафолатидир. Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида мазкур Китоб қонун талаби даражасига кўтарилди.

(Давоми 2-бетда)



Тошкент: истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

Адлия вазирлигида

## ТЕЗКОР ЙИҒИЛИШ

Адлия вазирлигида 28 апрелда ўтказилган тезкор йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг I чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига бағишланган мажлисида муҳокама этилган масалалар кўриб чиқилди.

Адлия вазири А.Полвонзода вазирлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини бу амалий ишлар ўзининг бой самарасини бераётганини таъкидлади. Шу билан бирга бу йўналишда айрим муаммолар ҳам мавжудлиги, уларни тезда бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа эканлиги айтилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу сонга хабар

## ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА...

Ўзбек давлатчилиги, шу жумладан, қонунчилиги илдизлари қаерга бориб тақалади? Эҳтимол, бу илдизлар биз ўйлагандан ҳам қадимийроқдир. Чунончи, зардуштийликнинг «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» қоидаси инсоният амал қилиб келган ахлоқий қоидаларга монанддир.

Куни-кеча Темурийлар тарихи давлат музейида очилган, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган **«Ўзбекистон: мозий дурдоналари»** кўргазмаси расмий маросимида шу ҳақда сўз борди.

Маросим очилишдан аввал мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳамда хорижий мухбирлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти Б.Йўлдошев ҳамда таниқли археолог олимлар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулло Кароматов мустақиллик шарофати туфайли ўзбек давлатчилиги тарихи холисона ўрганилаётганини таъкидлади.

Кўргазманинг «Қадимги аждодларимиз тарихи» бўлимида инсоният тарихининг қадимги даври ҳақидаги маълумот Фарғона вилояти Сўх туманидаги Селенгур ғорида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёвий далиллар асосида етказилади. Олимлар олиб борган тадқиқотлар ва бу топилмалар одамзот Ўзбекистон ҳудудида бундан 1 миллион 200 минг йил аввал яшаганлигини кўрсатади. Кўргазмада бошқа ёдгорликлардан топилган турли иш қуроллари, кулолчилик, заргарлик буюмлари намойиш этилади. Айниқса, Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа ва Жарқўрғон ёдгорликларидан топилган ашёвий далиллар юртимизда шаҳар маданияти 4 минг йиллар аввал шаклланганлигини кўрсатади.

Қадимги аждодларимизнинг ҳаётий тушунчалари ва диний эътиқодлари ҳақида ҳикоя қилувчи лой ҳайкалчалар, митти остодонлар, тош буюмлар, иккита илон тасвирланган қимматбаҳо қора тошдан ишланган «тош тумор» кўргазмадан жой олган.

Кўргазмадан яна бир ноёб ашёлар — танга пуллар жой олганки, улар давлатчилик рамзлардан ҳисобланиб, давлатимиз тарихи ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Ушбу кўргазма бутун жаҳонга мустақил Ўзбекистон давлатининг қадимий ва бой тарихга эга эканлигини намойиш этади. Кўргазмалар намойиши шу кунлардан бошланиб, октябр ойигача давом этади.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД




"Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати ташкил этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Таъсис қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

***

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ижодкор ўқитувчилари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ҳайъат ҳукмига она-Ватанга муҳаббат, мустақилликни улуғловчи, инсонпарварлий мавзуларида ёзилган асарларини ҳавола этди.

***

Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбек рақс" миллий рақс бирлашмаси ЮНЕСКОнинг байналмилал қўмитаси аъзолигига қабул қилинди.

***

Мамлакатимиз билан Япония ўртасида ҳаво йўллари қатнови йўлга қўйилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига қарашли "Боинг-57" самолёти пойтахтимиздан Японияниг Осака шаҳрига илк марта парвоз қилди.

***

Пойтахтимизнинг **"Юнусобод"** спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати якунланди.

***

Жиззах шаҳрида "Кичик олимпиада" номини олган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари бошланди. Унда 5 минг нафардан зиёд спортчи талабалар, санъаткорлар иштирок этади.

***

Темурийлар тарихи давлат музейида "Мозий дурдоналари" кўргазмаси очилди.

***

Шу йилнинг 5-6 май кунлари мамлакатимизда турли тоифадаги раҳбарлар ўртасида теннис бўйича "Ҳавас" турнири очилади.

***

Республикамиздаги "Мусаввир" илмий ишлаб чиқариш Маркази қошида фаолият кўрсатаётган ёғоч ўймакорлиги устаси Шуҳрат Азимов, Шарқ миниатюра устаси Баҳодир Ҳожиматов, моҳир зардўз Вилоят Иноятова ўз ижодлари билан Польшада ўтадиган "Познань-2001" халқаро кўргазмасида иштирок этади.

Конституция ва биз

## ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

### Биринчи сабоқ

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биз қураётган жамиятнинг қиёфаси, мазмун-моҳияти ва шакл-шамойили теран ифодасини топган. Унинг ҳар бир моддаси мустаҳкам ҳаётий асосларга эга бўлиб, унда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзига хос тарзда уйғунлаштирилган.**

**Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, Конституцияга ҳар кун эҳтиёж сезамиз. Президентимизнинг «Конституцияни ўрганиш тўғрисида»ги Фармони катта аҳамиятга эга. Унинг руҳидан келиб чиқиб, Асосий қонунимизнинг мазмунини фуқаролар онг-шуурига чуқурроқ сингдириш мақсадида «Конституция ва биз» рукнини ташкил этдик.**

**Биринчи сабоқ виждон эркинлиги масаласига бағишланган. Уни Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Жалолбек АБДУСАТТОРОВ шарҳлайди.**

***«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».***

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси**

**Бизнинг маълумот:** Истиқлолнинг дастлабки кунларида шўро замонида ҳатто номини ҳам тилга олиш таъқиқланган Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб белгиланди.

Шўро замонида юртимизда 89 та масжид мавжуд бўлган.

Бугунги кунда 1700 дан зиёд масжид мўмин-мусулмонлар эътиқоди йўлида хизмат қилмоқда.

1999 йил пойтахтимизда Марказий Осиёда ягона саналган Тошкент Ислом университети ташкил этилиб, фаолияти тўла йўлга қўйилди.

Шўро замонида бирон-бир юртдошимиз муборак ҳаж зиёратига боришни ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмасди.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан бу эзгу ишга кенг йўл очилди. Биргина 2001 йилда 4 мингга яқин ҳамюртимиз муборак ҳаж зиёратига бориб қайтишди.

- Ўзбекистонимиз мустақиллиги инсоннинг ҳам, у яшаётган жамиятнинг ҳам маънавий жиҳатдан бойиб бориши учун кенг йўл очди. Маънавий йўриқлар ўзгарди, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда тарихий адолат қарор топди. Хусусан, бунинг ёрқин мисолини виждон эркинлиги масаласида ҳам кўриш мумкин. Истиқлолнинг эркинлик сиёсати натижасида динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимиз Ислом Каримов **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** китобида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида шундай деган эди: **«Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз»**.

Дарҳақиқат, диндорларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланиши ва қонунларга қатъий риоя этилиши, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш халқнинг барча табақаларини жипслаштиришга ёрдам беради. Дин арбоблари ва диндорлар мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаётида, тинчликни сақлаш ва хайрия фаолиятида, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришда фаол иштирок этишлари учун имкон яратилди. Президентимиз Фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда диннинг жамиятда тутган ўрни унинг конституцион мақоми билан белгиланган. 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги Қонун ҳам ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш ва диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистонимизда 14 йўналишдаги 170 дан зиёд диний ташкилот расман фаолият кўрсатмоқда. Буларга ислом дини билан бир қаторда православлар, яҳудий, баптист, адвентист, католик, лютеран, буддист, христиан-прсвиториан сингари бир қанча дин ва мазҳаб вакиллари эркин фаолият юритмоқдалар.

Булардан ташқари, Рус Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Тошкент рус православ семинарияси ҳамда Ўзбекистон Тўлиқ Евангел-Христианлар марказининг Самарқанд протестант диний семинарияси ишлаб турибди.

Шўролар замонида республикамизда бор-йўғи 89 та масжид, 2 та мадраса мавжуд бўлган. Истиқлол йилларида эса 1700 дан ортиқ масжид ва 10 та мадраса мўмин-мусулмонларнинг эътиқоди йўлида хизмат қилмоқда.

Конституцион нормалар давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласида икки жиҳатни яққол ажратиб туради. Биринчиси, дин жамиятда инсонпарварлик ғоялари шаклланишида, юксак маданият ва маънавият манбаи, умумбашарий қадрият сифатида тан олинганлиги бўлса, иккинчиси, диндан ғаразли мақсадда фойдаланиш, диний омиллардан фойдаланиб, давлат бошқарувига аралашиш, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатларни қатъий ман этилишидир.

Сир эмас, яқин ўтмишда бизда жамиятнинг барча табақалари ахлоқий таназзул ва маънавий қашшоқликни бошдан кечирди. Шу сабабли инсон руҳини поклаш, ахлоқий муаммоларни ҳал этиш дунёвий, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишдаги асосий вазифалардан биридир.

Шоир билан учрашув

# МУҲАББАТНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙМАЙЛИК

**Бизнинг маълумот:**

*Муҳаммад ЮСУФ — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари. Олий Мажлис депутати.*

*«Уйқудаги қиз», «Ишқ кемаси», «Ўзингдан қўймасин халқим» сингари қатор китоблар муаллифи.*

*У истиқлол йилларида мустақиллик, она-Ватан мавзуида яратган асарлари учун мамлакатимиз Президенти Фармони билан «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди.*

*Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси.*

*Шоирнинг шеърлари «Инсон ва қонун» газетасида илк бор чоп этилмоқда.*



**- Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида «Инсон ва қонун» газетхонлари халқимиз севган шоир билан учрашиб турганларидан албатта мамнунлар. Муҳаммад ака, суҳбатимизни кечаги ва бугунги кун ҳақида икки оғиз сўз билан бошласак...**

- Ҳозир кечаги кун ҳасратлари ҳақида гапирмайлик. У озодликка интилиш, шу йўлдаги дардлар эди... Бугун серташвиш дунёнинг Ўзбекистон аталмиш бир гўшасида бировларнинг кўмагисиз ҳам ажабтовур яшаётганимиз, яшаганда ҳам яратувчилик ишқи билан яшаётганимиздан қувонишимиз керак.

Биз муҳаббатни йўқотиб қўймайлик. Чунки муҳаббат барча эзгулик ва ёруғликларга бошловчи маёқ! Озодлик йўлининг боши ҳам муҳаббатдан яралган. Ҳалқимизнинг Ватанга бўлган муҳаббати бизни шу дориломон кунларга етказди. Шундай муқаддас туйғу қошида ҳамиша бош эгум келади...

**- Сиз қонун ва қонунчилигимиз ҳақида нималар дея оласиз?**

- Болалагимизда «Қоч, милиса келаяпти», «Қоч, қоч, прокурор келаяпти» деган қўрқув ҳисси бу соҳа одамларини қалбимиздан анча йироқлаштириб юборган эди. Каттароқ бўлиб ўсмир ёшига етгач, англадикки, улар ҳам йўлларида дуч келган одамни ушлаб қамаб қўйишмас экан. Аммо бу дегани болаларнинг қўрқувида қонунчиларнинг айби йўқ дегани эмас. Демоқчиманки, бугунги кун болаларида ана шу қўрқув бўлмаслиги керак. Қонун посбонлари меҳрибонлигини, тўғриликнинг, ҳақиқатнинг ғамхўри эканлигини фақат болалар эмас, ҳаммамиз ҳам ҳис этишимиз керак.

**- Муҳаммад ака, сўз айтишда шоир — эркин шахс, шундай экан, у қонун масъулиятини қандай ҳис этади?**

- Шоирнинг озодлиги халқининг бахт-саодатида. Бугун биз шундай бахт билан масрурмиз. У ана шу негизда севимли халқига сўзини айтади. Сўз айтмоқ эса шарафдир. Унга хиёнат қилмаслик керак, яъни ёлғон сўз айтманг. Қонун кимни ҳимоя қилмоғи лозим? Албатта, тўғрини-да! Демак, шоирнинг сўзи ҳам, амалдаги қонунларимиз каби битта мақсад учун — эгрилик йўлини кесиб, тўғрига йўл очмоқ учун хизмат қилади. Ҳамма вақт ҳам ҳақиқат ғалаба қилавермайди. Гоҳида ноҳақ жабр чеккан одамларни ҳам учратиш мумкин. Бунга сабаб руҳимизни чулғаб олган лоқайдлик, инсон қадрини, ҳуқуқини менсимаслик иллати оз бўлса-да ҳамон борлигидир. Қачон бундай қусурлардан халос бўламиз? Балки муҳтарам Президентимизнинг шахсан ўзлари судьяларни танлашда қатнашаётганлари сабаби ҳам шундадир. Ахир, ноҳақ жабрдийдалар бўлмаслиги керак. Бунинг учун судьялар ҳақиқатан ҳам одил бўлмоғи талаб этилади.

Шоирнинг бурчи ҳақида гап кетганда шуни ҳам айтайки, халқимизнинг кайфиятини, ватанпарварлик руҳини кўтаришда, ўз кучимизга бўлган ишонч туйғусини юксалтиришда мадад бўлмоғимиз лозим.

**- Газетхонларимиз ва қонунчилигимиз фидойиларига тилакларингиз?**

- Аввало, уларга соғлиқ тилайман. Адолатли қонун посбони бўлмоқнинг ойдин йўли, эл севган судья бўлмоқ бахти уларга ёр бўлсин...

**Салима ҚИЛИЧЕВА**
**суҳбатлашди**

*Муҳаммад ЮСУФ*

## «ОТАНГ ОТГА МИНДИРСА ҚОҚИЛМАЙДИ ОТИНГ ҲАМ...»

**ЮЗ ЙИЛДА БИР ТУҒИЛАР САРДОР**

*Ҳотам дунё ҳимматлари бор,*
*Ҳикмати бор ҳар бир туҳфасин.*
*Юз йилда бир туғилса сардор,*
*Парвардигор ўзи асрасин!..*

*Бешикда тинч ухлар жон,*
*Кулгусига садақа бу жон.*
*Миллат учун ким бўлса қалқон,*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

*Ёмон кўздан сақласин зинҳор,*
*Камолингни кўролмаслар бор.*
*Кимки карвон бошидаги нор -*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

*Дунёга боқ, хаёл етмаган,*
*Бурчаги йўқ олов кетмаган.*
*Осмони тинч, осуда Ватан!..*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

*Бошин силаб ёшу каттасин,*
*Чинорлардай шоху навдасин,*
*Асрагувчи Темурзодасин,*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

*Кенгашганга дунё кенг,ахир,*
*Биринг ёқа, биринг енг ахир.*
*Қавмим кел, деб ким очса бағир,*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

*Жонингни тут, жони фидога,*
*Айтганинг бор экан худога.*
*Ўзбекистон, қўл оч дуога -*
*Парвардигор ўзи асрасин.*

**ВАТАН ЯГОНАСАН**

*Боболар каломи тилимда дойим,*
*Сен учун юрагим қўлимда дойим,*
*Соғинаман юрган йўлимда дойим,*
*Ватан ягонасан дилимда дойим!*

*Баҳорлар ўтади, ёзлар ўтади,*
*Осмонни тўлдириб юзлар ўтади,*
*Не ажиб наволар, созлар ўтади,*
*Ватан ягонасан дилимда дойим!*

*Бир тараф боғлару бир тараф гулзор,*
*Дунёнинг сўлим жаннатлари бор.*
*Ўзингдан ўзгасин миннатлари бор,*
*Ватан ягонасан дилимда дойим!*

*Қошингга чорлаган онинг елойин,*
*Малҳаминг бўлайин, дардинг олойин.*
*Мен сенга муносиб фарзанд бўлойин.*
*Ватан ягонасан дилимда дойим!*

*Боболар каломи тилимда дойим,*
*Сен учун юрагим қўлимда дойим,*
*Соғинаман юрган йўлимда дойим,*
*Ватан ягонасан дилимда дойим!..*

**ОТАЖОН**

*Отанг бўлса бошингда кўзинг ёши қўлламас,*
*Ҳеч қайси дўст одамни отасидек қўлламас.*
*Отаси бор эшикка йўлбарс яқин йўламас,*
*Билмагандим Сиз тирик кезларингиз, отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

*Кечагина қўлиздан майиз-туршак ер эдим,*
*Кеча кўролмасларга тошингни тер, дер эдим,*
*Ортингизда ожизман, ёнингизда шер эдим,*
*Тоғдек суяб турарди кўзларингиз, отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

*Отанг отга миндирса қоқилмайди отинг ҳам,*
*Юролмайсан отасиз тўғри йўлда хотиржам,*
*Ким силайди бошингни, ким тинглайди додинг ҳам...*
*Энди англаб йиғладим сўзларингиз отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

*Ажал бошни ерларга эгар экан билдим-ку,*
*Отанг ўлса ёшлик ҳам тугар экан билдим-ку.*
*Отасизлик одамни эзар экан билдим-ку!*
*Юзларимга босмайсиз юзларингиз, отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

*Гоҳ сиқилсам юрагим увалади упадай,*
*Бу дунёси кўзимга бўшаб қолган супадай.*
*Мен-ку чидаб яшайман айтинг қандай юпатай,*
*Йиғлаб келса гоҳида қизларингиз, отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

*Отанг бўлса бошингда кўзинг ёши қўлламас,*
*Ҳеч қайси дўст одамни отасидек қўлламас.*
*Отаси бор эшикка йўлбарс яқин йўламас,*
*Билмагандим Сиз тирик кезларингиз, отажон,*
*Энди қайдан топайин изларингиз, отажон...*

## ЛАҲЗАЛИК РОҲАТ АЗОБИ

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университетида гиёҳвандликка қарши курашга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

- Айрим ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни тарқатиб, уни истеъмол қилиб, қамоққа тушгани ва йиғлаб айтаётган сўзлари, афсус-надоматларини кўриш нақадар оғир, - деди университет маънавият ва маърифат бўлими мудири Маҳфуза Қорахўжаева «Туркистон-пресс» мухбирига.

- Гиёҳвандлик домига тушганлар бир умр азоб исканжасида яшайди. Бу иллат инсониятни ҳар қандай жиноятга, жирканч қабоҳатга бошлайди.

М.Қорахўжаеванинг таъкидлашича, бу иллатлар исломда ҳам қораланган ва ёшларимизнинг билиб-билмасдан, кўр-кўрона мана шу касалларга дучор бўлиб қолаётганлиги ачинарлидир.

Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозим.

Йиғилиш сўнгида гиёҳвандлик, ОИТС сингари касалликларга ружу қўйган, мана шу иллатлар оқибатида нафақат ўзини, балки бутун бир оиласининг тақдирини заҳарлаган инсонлар ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

**«Туркистон-пресс»**

## ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИК ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

Дунё ўзгариб бормокда. Халқаро майдонда кечаётган глобаллашув жараёни шуни кўрсатмоқдаки, ядро уруши хавфидан кўра мафкуравий курашлар одамларни кўпроқ хавотирга солаётир. Анча «фаоллашиб» қолган диний ақидапарастлик вакилларининг мамлакатлар тинчлиги ва осойишталигига қилаётган хуружлари ҳам бунинг исботидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўзининг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** китобида барчамизни огоҳ бўлишга даъват этиб: **«...Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларни англаб етаяпмизми? Хавфсизлигимизга таҳдид солаётган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жуғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?»** - деган саволларни қўяди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун бу саволлар бутун инсониятни ўйлантирмоқда.

Юридик фанлари номзоди Мавжуда Ражабова ўзининг «Диний экстремизм ва террорчилик» (Т.Янги аср авлоди, 2000) китобида баҳоли қудрат шу саволларга жавоб излайди. Рисолада диний ақидапарастлик ва террорчиликнинг ғаразли сиёсий моҳияти, илдизи назарий-амалий йўсинда илмий тадқиқ этилади.




Китоб тўрт бобдан ташкил топган. Унда террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ тўртта халқаро ҳужжатлар-конвенцияларнинг матнлари, шунингдек, портловчи моддалар тавсифларидан иборат техникавий иловалар берилган. Улар рисоланинг мундарижасини янада бойитган.

Муаллиф ўз илмий хулосаларини, назарий умумлашмаларини, амалий тавсияларини дунё миқёсида тан олинган халқаро конвенциялар мазмун-моҳияти билан асослайди.

Китобнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда Ўзбекистон Республикасида диний эътиқод эркинлигини таъминлашнинг қатор муҳим тамойиллари, уларга қатъий риоя этилаётгани билан боғлиқ амалий жараён кенг таҳлил этилган. Юртимизга ёвуз сиёсий мақсадлар билан кириб келишга уринган, ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган ёшларни ўз таъсирларига олиб, давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солган, оғир жиноятларга қўл урган шахсларнинг қилмишларини юридик жиҳатдан тўғри баҳолаш учун Жиноят кодексига янги моддалар киритиш зарурлиги ҳақида таклифлар ҳам берилган.

Ушбу рисола ўқувчига диний ақидапарастлик илдизлари ва унга қарши кураш йўллари тўғрисида тўла маълумот бериши билан ҳам қимматлидир.

**Нарзулла ШОДИЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Марат ҒУЛОМОВ,**
**юридик фанлари номзоди, доцент**

Жиноят ва жазо

## АДАШГАНЛАР ФОЖИАСИ

**У қотилликка қўл ургач, ҳеч нарса кўрмагандек тинчгина ҳаётини давом эттирмоқчи эди. Лекин бўйнидаги тавқи лаънат, умри бевақт хазон бўлган бир аёлнинг тўкилган қони бунга йўл қўймади.**

**Охир-оқибат у милиция идорасига кириб келиб, қотил эканлигига иқрор бўлди...**

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз?! Аммо рўй берган ҳар бир воқеа-ҳодиса, нохуш кўргуликнинг келиб чиқишини таҳлил этадиган бўлсак, бунга энг аввало, одамнинг ўзи, унинг нафс қутқусига учиб, нопок йўлга кириши, ота-она, оиласининг юзига оёқ қўйиши сабаб бўлганини кўрамиз. Чунки ёмон қилмиш одамга ҳеч қачон яхшилик олиб келмайди. Бунинг бир мисолини ана шундай нопок йўлга қадам қўйиб, умри куйиб кетган, тақдирлари ғоят аянчли якун топган Хоразм вилояти, Питнак шаҳрида яшовчи Йўлдош ва Муҳаббатларнинг қисматидан ҳам кўриш мумкин.

2000 йилнинг 28 январида Муҳаббат навбатдаги хархашасини бошлади. У Хазорасп туман касаба уюшмалари қўмитасининг Питнак шаҳри бўйича ташкилотчиси вазифасида ишлаётган хуштори Й.Шомуродовга сим қоқиб, мазкур шаҳарнинг 3-даҳа, 11-уй, 10-хонадонида учрашишни таклиф этади. Йўлдош дўсти — шаҳар тасарруфидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги касаба уюшмаси ташкилоти раиси Шуҳрат Қуриёзов билан тушга яқин келишилган манзилга етиб боради. Бу хонадонда уларни Муҳаббатдан ташқари Юлдуз исмли бир қиз ҳам интиқ кутиб турарди. Бу пинҳона зиёфат аввалига жуда қуюқ бошланади. Бироқ кўп ўтмай ичкилик таъсирида сархуш бўлган Муҳаббат навбатдаги дийдиёсини бошлайди. У Йўлдошни гап бор, дея нариги хонага олиб ўтади. Улар ўртасидаги суҳбат кутилмаганда ростмана даҳанаки жанжалга айланиб кетади.

Кейинчалик Йўлдошнинг судда берган кўрсатмасига қараганда, ўша куни Муҳаббат уни ҳоли-жонига қўймаган, қонуний хотинининг билан ажрашиб, менга уйланасан, деб қатъий талаб қилган. Табиийки, йигит бунга кўнмаган. Уларнинг бақириқ-чақириқлари қўшни хонада зиёфатни давом эттираётган Шуҳрат ва Юлдузни ҳам хавотирга солган. Оқибатда зиёфат охирига етмай тугаган, меҳмонлар шошилиб жўнаб кетишган.

Бир томондан ичкилик таъсири, иккинчи томондан ўзини оёқости қилгандек ҳис этган Муҳаббатнинг кўзига дунё тор кўринган. У андишани ҳам унутиб қўйиб, тўппа-тўғри Йўлдошни излаб, унинг ишхонаси — Питнак шаҳар ҳокимлиги биносига йўл олган. Ҳокимлик биносида можаро авжига чиққан. Қуюшқонидан чиқиб, алам ва ғазабдан ўт-олов бўлиб ёнган Муҳаббатни ҳовуридан тушириш, тинчлантиришнинг сира иложи бўлмаган. Жанжалнинг ҳали-вери охири кўринавермагач, Йўлдош Муҳаббатнинг дугонаси Санобар Рўзимовага қўнғироқ қилган. Муҳаббат маст ҳолда келиб, жанжал кўтараётганини, уни бу ердан тезроқ олиб кетишни ўтиниб сўраган. Аммо бахтга қарши ҳадеганда Санобардан дарак бўлавермаган. Шундан сўнг Йўлдош Муҳаббатни алдаб-сулдаб, ўз машинасига ўтқазган: уйланишга розилиги айтиб, уйига таклиф этган. Аслида Муҳаббат мана шу илинжда Йўлдошнинг оёғига бош уриб келган. Шунинг учун унинг бир оғиз сўзига ҳеч қандай шубҳа-гумонга бормай, чиндан ишонган.

Йўлда уларга Йўлдошнинг дўсти Шуҳрат ҳам ҳамроҳ бўлган. Бироқ у уйининг рўпарасига келганда, машинадан тушиб қолган.

Шундан сўнг Йўлдош машинани уйига эмас, балки кимсасиз саҳро томон елдиради. Кимсасиз саҳро қўйнига етгач, Йўлдош Муҳаббатни машинадан тушишга ундаган. Қиз машинадан тушиб, икки-уч қадам босмай туриб, Йўлдошнинг қўлида ажал тиғ ялтираган. Ҳаммаси кўз очиб, юмгунча содир бўлиб ўтган. Нақ юракка устма-уст уч марта урилган аниқ зарбадан сўнг Муҳаббат қип-қизил қонга бўялиб, ерга қулаган. «Мени ўлдирманг!» — бу унинг бўғзидан отилиб чиққан сўнгги ўтинчи эди...

Лекин бу ҳам мудҳиш кўргуликнинг ҳаммаси эмас эди. Энг даҳшатлиси кейин рўй беради. Муҳаббат жон таслим этгач, Йўлдош унинг бўйнидаги тақинчоқларини битта-битта совуққонлик билан ечиб олади-да, сўнг у ўзи содир этган мудҳиш қотилликни изсиз йўқотиш мақсадида жасадни ёқиб юборади. Лекин бунга ҳам сабри чидамай, чала ёнган тана қолдиқларини кўмиб, машинасига ўтириб жўнайди.

Шу куни онаизор Саодат Болтаева ҳеч нарсадан бехабар қизини кутиб, тунни бедор ўтказади. Эртасига эса у сўраб-суриштириб, кеча бўлган «ўтириш»дан хабар топгач, қизининг дугонаси Юлдуз билан аввал Йўлдошнинг уйига, сўнгра эса унинг ишхонасига борган. Йўлдош эса ҳеч нарса кўрмагандек, онаизорнинг кўзларига тик қараб, Муҳаббатни уйингиз олдида машинадан тушириб кетгандим, дейди. Соддадил онаизор унинг гапларига лаққа ишонади. Аммо қотилликнинг учинчи куни Йўлдош ҳам аллақаёққа ғойиб бўлади.

Эрининг кийимларини юваётган Нигора унинг чўнтагидан ғалати хат топиб олади. Унда «Бу дунёнинг ташвишларидан тўйдим, шу сабаб Муҳаббат билан Тошкентга дам олиш учун кетдим», - деган битик бор эди, холос.

Муҳаббат билан Йўлдошнинг январда бошланган «асал ойи» ўша йилнинг нақ ноябр охиригача чўзилиб кетади. Бу орада милиция У.Йўлдошев ва С.Болтаева (Муҳаббатнинг ота-онаси)нинг аризасига кўра дом-дараксиз йўқолган Муҳаббатга қидирув эълон қилади. Йўлдошнинг уйи назоратга олинади, унинг сафардан қайтган-қайтмагани дам-бадам сўраб-суриштириб турилади. Лекин бундан бирон-бир натижа чиқмайди. Ахийри, қотиллик содир этилгандан сўнг орадан 10 ой ўтгач, Йўлдошнинг ўзи отаси ҳамроҳлигида милиция маҳкамасига бош уриб келади...

Бу мудҳиш қотиллик тафсилотлари ҳақида фикр юритганда, бундай қабиҳликка айнан Шомуродовлар оиласида туғилиб, тарбия топган фарзанд қўл урганига сира ишонгингиз келмайди. Бундай дейишимиз бежиз эмас, албатта. Чунки аксарият питнакликлар бу оилани мўмин-қобил, инсофли-диёнатли, ор-номусли кишилар деб билишган. Бу ҳақда суд жараёнида хўп ва кўп гапирилди. Шу мазмунда битилиб, судга тақдим этилган тавсифномалар ҳам анчагина. Лекин Йўлдош қора қилмиши билан наинки ўзи, балки оиласи, гулдек умр йўлдоши, икки нафар жажжи фарзанди, ота-онаси ва қариндош-уруғларининг ҳам юзини ерга қаратди.

Кўпчиликнинг дилини хун қилган бу қотиллик ҳақида ўйлаганда, шундай табиий савол туғилади: бу қотиллик нега рўй берди? Агар Йўлдош эси борида этагини йиғиб олганида, оиласи, гулдек фарзандлари шаънини ўйлаганда бу қотиллик содир бўлармиди? Йўқ, албатта.

Судда Йўлдошдан тобора хатарли тус олаётган «муҳаббат» можароси хусусида «Оилангиз, яқинларингиз, элнинг обрў-эътиборли одамлари, ўзи ва М.Раҳимова истиқомат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, қолаверса, тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларини хабардор қилиб, уларнинг маслаҳатига қулоқ тутганмисиз?» - деб сўрашганда, бу савол жавобсиз қолди. Йўлдош қилмишига яраша жазоланди. Суд уни 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйсак бўларди. Аммо бу ҳақда ўйлаганда, кўнгилда яна шундай мулоҳаза туғилди: Питнакда рўй берган бу машъум фожиа учун наҳотки икки кишидан бўлак ҳеч ким айбли эмас?! Албатта, биз кимнидир кўр-кўрона айблаш, жазога мустаҳиқ этиш керак, деган фикридан йироқмиз. Лекин Йўлдошнинг ҳам, Муҳаббатнинг ҳам яқинлари, маҳалла фаоллари бу можародан олдинроқ хабардор бўлишганди-ку!

Нега улар бунга эътиборсиз ва лоқайд қарашган. Бу фожианинг олдини олиши мумкин эдими?!

Албатта, мумкин эди. Бу ҳангомалардан воқиф бўлган Шуҳрат ва Юлдузлар оддий томошабинга айланиб қолишмаганида, балки бу фожианинг олдини олиш мумкин бўларди. Халқимиз азалдан йиқилган кимсани суяш, адашганга йўл кўрсатиш савоб деб билган.

Муҳаббатнинг бевақт хазон бўлган умри ҳам сизу бизга жуда кўп нарсалардан сабоқ беради. Шу билан бирга ҳар биримизни ақл-идрокка суяниб иш тутиш, эртанги кунни, оила шаънини, фарзандлар келажагини ўйлаб қадам босишга ундайди.

Ҳаётнинг азалий мезон ва тамойиллари, қинғирликнинг эса чек-чегараси бор. Уни бузиб ўтишга уринганлар, албатта, қилмишларига яраша жазоланади.

**Иброҳим ЁДГОРОВ,**
**Хоразм вилоят судининг ишлар бўйича судьяси,**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Ушбу сонда Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлардан фойдаланилди.


1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхата олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ



Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000.

**Босишга топшириш вақти - 21.00**
**Топширилди -**

Навбатчи:
**Б. ЭГАМҚУЛОВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
**Л. КУЛИШОВА**
Компьютерда матн терувчи:
**М. ДЎСТОВА**



**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047,**
**Тошкент шаҳри,**
**Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18**
**(умумий бўлим),**
**133-70-65**



Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.